



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2021 йил 31 декабрь, № 282 (8062)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КЕЛГУСИ ЙИЛГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 30 декабрь куни келгуси йилда иқтисодиёт тармоқлари ва коммунал соҳа барқарор ишлашнинг таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йил оғир келганига қарамай, иқтисодиётда ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди. Хусусан, жорий йилда ялпи ички маҳсулот 7 фоизга, саноат 9,5 фоизга, хизматлар 20 фоизга, қурилиш соҳаси 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги 4 фоизга ўсган. Инфляция даражаси 10 фоиздан паст бўлган.

Экспорт ҳажми 16,5 миллиард долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан қарийб 1,3 миллиард долларга ошди. Умумий қиймати 12,4 миллиард долларлик 318 та йирик ва 14 мингта ҳудудий лойиҳалар ишга тушди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг турмуш шароити яхшиланди.

Йиғилишда келгуси йилда ҳам иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича вазифалар кўрсатиб ўтилди. Хусусан, ялпи ички маҳсулот ва саноатни 7 фоиздан юқори, хизматларни қарийб 30 фоизга

ошириш мақсад қилинган. Давлатимиз раҳбари янги йилнинг бошидан бари барча тармоқ ва ҳудудлар тизимли ишлаб, бу мақсадларга эришиш учун мустақам замин яратиб кераклигини таъкидлади.

Халқимиз дастурхони тўқинлигини таъминлаш мақсадида қиш ойларида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорларга барқарор етказиб бериш бўйича вазифалар белгиланди.

Электр энергияси, табиий газ, иссиқлик таъминоти, коммунал, соғлиқни сақлаш ва ёнғин хавфсизлиги тизимларининг барқарор ишлаши муҳимлиги қайд этилди.

Малакали тиббий хизмат кўрсатиш, жамоат, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

АҚШДА ИЛК БОР ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Америка Қўшма Штатларида биринчи марта Ўзбекистон ёшлар форуми ўтказилди. Тадбир Виржиния штатидаги "ZiyoTek" технологик институтида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Форумда Американинг етакчи олий таълим муассасаларида тахсил олаётган ва турли соҳаларда фаолият юритаётган 100 га яқин юрдошларимиз, шунингдек, АҚШдаги таълим олиш имкониятлари билан қўзиқувчи ёшлар бевосита ва видеоконференцалоқа шаклида иштирок этди.

Тадбирда Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда юриштирилган ёшлар сиёсатининг концептуал асослари, форумнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхтади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёни, ёшларга оид давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва ҳорижда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида қўзилаётган чоралар ҳақида маълумот берилди. Сўнгги йилларда

алоқаларни йўлга қўйиш ва хориждаги ватандошларга ёрдам кўрсатиш борасида катта ишлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди. Очик мулоқот чоғида тадбир иштирокчилари мамлакатимизда таълим тизими самарадорлигини ошириш ва ёшлар билан ишлашга қаратилган таклиф ва гоъялари, шунингдек, Ўзбекистонлик ёш ва истиқболли талабалар учун ўқув имкониятлари билан ўртоқлашди.



ЛОЙИҲАЛАР САМАРАДОРЛИГИ

НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТИГА ҲАМ БЕВОСИТА БОҒЛИҚ

"Ёшлик-1" кони, 3-мис бойитиш фабрикаси. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида рўёбга чиқарилаётган мазкур лойиҳалар нафақат ушбу корхона, балки мамлакатимиз металлургия саноатида янги босқични бошлаб бериши билан гоъят аҳамиятли. Давлатимиз раҳбари яқинда Олмалиқ шаҳридаги йирик саноат лойиҳалари, ижтимоий соҳа фаолияти билан танишиш чоғида корхоналарни ишлашида илмий тадқиқотлар, илм ва амалиёт уйғунлиги ўта муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Муносабат

Хусусан, Президентимизнинг мактаб ўқувчилари билан суҳбат жараёнида "Хар дақиқа — бойлик. Бу бойликдан фойдаланиб, чуқур билим олишингиз керак. Мана, Олмалиқ комбинатининг қувватини оширялган, янги фабрикалар қурабмиз. Уларда ким ишлайди? Сизлар! Ҳамама ис-

лохотларимизнинг асоси, ишончи — билимли ёшлар", деган сўзлари уларга катта куч бериб, ўзига бўлган ишончини оширган аниқ, Бинобарин, бугун юртимизда ёшларнинг илми ва етук мутахассис бўлиб етишишлари учун кўпдан-кўп шароит яратилмоқда.



«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» — БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олпон сурат.

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудда "Президент арчаси" тантаналари, шунингдек, Янги йил байрами тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Шуқуҳ

Хусусан, "Президент арчаси"нинг асосий байрам тадбирлари жорий йилнинг 29-30 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги "Томоша" болалар театр-студиясида ташкил этилди. Бу ерда "Президент арчаси" тадбири учун саҳналаштирилган "Йўлбарс афсонаси" байрам дастури болажонлар эътиборига ҳавола қилинди.

Мазкур байрам дастурига Меҳрибонлик

уйлари тарбияланувчилари, маҳалалардаги ота-она қаровисиз қолган болалар, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ўғил-қизларнинг 1365 нафар таклиф этилди.

Айтиш жоизки, ушбу байрам арафасида республика бўйлаб Меҳрибонлик уйлари, Болалар шахарчалари, оилавий болалар уйлари, SOS болалар маҳалалари тарбияланувчилари ва бошқа кўнгли ўқис болалар учун "Президент совғаси" етказиб берилди.

«Халқ сўзи».

ЭЪТИБОР ВА ҒАМҲЎРЛИҚДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

Янги йил байрами арафасида кексалик гаштини сураётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олинаётгани мамлакатимизда амалга оширилаётган «Инсон қадри учун» тамойилининг ўзига хос ифодаси бўлмоқда.

Пискент тумани ҳокимлиги вакиллари Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари — Аноркул ота Хатамов ва Ашир ота Усаров хонадонидан бўлиб, байрам билан табриқлади. Президентимизнинг қимматбахо совғалари, пул мукофоти ҳамда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги» эсдалик нишонини тантанали топширди.

Самимий суҳбат чоғида фахрийлар бугунги тинч ва осойишта давомда оғушида хотиржамлик ҳам ўқиниқда ўтаётган ҳар бир кун учун шукрона айтиш кераклигини уқтирди. Сўнгра янги йил кут-баракали

келишини, она юртга тинчлик, элимизга саломатлик, дастурхонларимизга фаровонлик тилаб дуо қилинди. Халқимизда кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш азалдан олий қадрият ҳисобланади. Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳам шу анъаналарга амал қилиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бекмирза ота Абсаламовнинг хонадонидан меҳмон бўлди. Самимий суҳбат давомида Бекмирза отага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги йил табриги ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси

мустақиллигининг 30 йиллиги» эсдалик нишонини, Президент эсдалик совғаси, 1 миллион сўмлик сертификат ҳамда «Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида» номли китоб топширилди. Бу каби эътибор ва эътирофдан кўнгли тоғдай кўтарилган Бекмирза ота дуога қўл очиб, Ватанимизга тинчлик-осойишталик, Ўртбошимизга соғлиқ сўраб тилак билдирди.

Шунингдек, Юқори Чирчиқ тумани Бирлик маҳалласида яшовчи икки нафар ўқиниқчи жаҳон уруши фахрийси Бексеит Баймирзаев, Андакул Худойбергеновага Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Янги йил байрами табриқномаси ўзгача қувонч бахш этди. Уларга 1 миллион сўмлик сертификат ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Бекобод шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳудудда яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Ҳасан ота Холматов, Турсун ота Мусурмонқулов ва Жалол ота Искандаров уйларида бўлиб, улар ҳолидан хабар олди. Суҳбат давомида фахрийларга Президентимиз йўллаган табриқ ўқиб эшиттирилди. Уларга «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги» эсдалик нишонини ҳамда эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Абдулазиз МУСАЕВ, Ў.А. муҳбири.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 26 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 15 декабрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан (бундан бўён матнда республика бюджетни деб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган маблағлардан фақат 2022 молия йили давомида фойдаланилади ва келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан бўён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) билан келишган ҳолда ўзининг жорий харажатлари таркибидидаги тармоқни ривожлантириш давлат дастурларини (бундан бўён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағлардан бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан молиялаштириладиган қўйи ташкилотларга ўзларига республика бюджетидан ажратилган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини 10 фоизгача Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йўналтиришга ҳақли.

Вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизмати тегишли ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилади ҳамда таҳлил натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик миллий давлат дастурларини, шунингдек ишлаб чиқариш ва ношлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришга доир лойиҳаларни молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида чет эл маблағларидан (чет давлатлардан, халқаро ташкилотлардан, халқаро молия ва иқтисодий институтлардан, чет эл ҳукуматларининг молия ташкилотларидан) грант зарфида ажратилган маблағларни (миқдори ва соҳалари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мустақил белгилаш шартлари (имкониятлари)да тақдим этилган грант маблағлари бундан мустасно) биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун ажратилиши белгиланган миқдорлари ушбу Қонунга ўзгартириш киритилмасдан қўйилтирилади.

(Давоми 2-бетда).

Фармон ва ижро

ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИ ТАДБИРКОРЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда, жумладан, Оролбўйи ҳудудида инвестиция фаолияти жозибадорлигини ошириш, шунингдек, бу ерда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 23 ноябрдаги "Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам ана шу мақсадга йўналтирилгани билан таҳсинга сазовор.



МЕҲР-МУРУВВАТ ЧЕКСИЗ, ЧЕГАРАСИЗДИР

Инсон учун энг катта туҳфа — эътибор. Ҳатто биргина яхши сўз найсон ёмғири қақроқ дашту биёбонларга ҳаёт бахш этганидек меҳрга ташналиқни қондириши, инсон онгу қалбидан, тақдирини мўъжизавий ўзгаришлар ясаши мумкин.

Эзгулик

Меҳр-муруватнинг қудрати, сеҳрли жозибаси чексиз, чегарасиздир. Янги Ўзбекистонда барча соҳа қатори инсонга муносабат ҳам тубдан ўзгараётганини бугун ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида астойдил қириқилишини бир вақтлар, ҳатто тасаввур ҳам этолмаган бўлсак, бугун бу одатий ҳолга айланди. Халқимизда эҳтиёжманд инсонлар раҳбарлари, мансабдорлар марказдан олисдаги энг чека қишлоғу овуллари ҳам бориб, оддий аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиши, одамларнинг дарду ташвишлари билан қизиқиб, уларни аритишга, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга астойдил қириқилишини бир вақтлар, ҳатто тасаввур ҳам этолмаган бўлсак, бугун бу одатий ҳолга айланди.

Мамлакатимизда кекса беморлар, имконияти чекланганлар ҳам ўз холига ташлаб қўйилгани йўқ. Улар ҳам-

ша давлатимиз, халқимизнинг меҳр-эътибори, ғамхўрлиги оғушида. Жумладан, Президентимизнинг шифо масканларида бўлиб, у ерда даволанаётган беморлар ҳолидан хабар олиши юрдошларимиз қалбини нурга тўлдирмоқда.

Янги йил арафасида ана шу эзгу анъана яна давом этди. Республика иختисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида даволанаётган — Қорбобога хат ёзиб, орзуларининг рўёбга чиқишини орзқиб кутаётган ўғил-қизларга Президентимиз номидан Янги йил совғалари улашилди.



Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг
Давлат бюджети тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

**2-боб. Ўзбекистон Республикасининг
консолидациялашган бюджети параметрлари****3-модда. Ўзбекистон Республикасининг
консолидациялашган бюджети
даромадлари ва харажатлари**

2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетнинг жамланма параметрлари ҳамда 2023–2024 йилларга бюджет мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, уларни тайёрлашда асос бўлган 2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва 2023–2024 йилларга мақсадли мўлжаллар 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

**4-модда. Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда
Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва
тараққиёт жамғармасининг даромадлари
прогнози ва харажатлари**

2022 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг харажатлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**5-модда. Республика бюджети даромадлари прогнози
ва харажатлари**

2022 йил учун республика бюджети даромадлари прогнози 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2022 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, суд ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқлар, давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жаримлар ҳамда молиявий санкциялар ҳисобидан келиб тушадиган маблағларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан республика бюджетига ўтказилиши мумкин.

**6-модда. Қорақалпоғистон Республикаси
бюджетининг, вилоятлар ҳамда
Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг
даромадлари ва харажатлари
прогнозлари**

2022 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 6-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2022 йил учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига ва вилоятларнинг вилоят бюджетларига ажратиладиган тартибга солинувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу Қонунда назарда тутилган тартибга солинувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг вилоят бюджетлари даромадлари прогнозининг икросидан қати назар, камайтиришга йўл қўйилмайд.

7-модда. Айрим тўловлар ставкалари

2022 йил учун:

мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 8-иловага мувофиқ (солиқ солиш мақсадлари учун);

товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимларнинг чекланган ставкалари 9-иловага мувофиқ; чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимларнинг ставкалари 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда қўлланиладиган боғжона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

**8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон
Республикаси республика бюджетининг,
вилоятлар вилоят бюджетларининг ва
Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг,
туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг
заҳира жамғармаларини шакллантириш**

2022 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси ҳажми 708,9 млрд сўм миқдорда белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2022 йил учун заҳира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камиди 1,0 фоизи миқдорда шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини, вилоятлар вилоят бюджетларини ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдори ошган ҳолларда тегишли бюджетлар заҳира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта қўриб чиқилмайд.

Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда ушбу Қонунга ўзгаришлар киритилмайд.

**9-модда. 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг
бюджет тизими барқарорлигини
таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик иқроси якунлари бўйича даромад прогнозлари бажарилмаган

ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизи ва ундан орტიқ фоизи миқдордаги харажатлари қисқартириш Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизидан кам миқдордаги харажатларни қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларнинг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади. Бунда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни камайтириш Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 120-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан
ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати
остида олинадиган давлат қарзининг
чекланган ҳажмини белгилаш**

Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги керак.

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик йиғиндан янги битимларнинг чекланган ҳажми 4,5 млрд АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун – 2,5 млрд АҚШ доллари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – 2,0 млрд АҚШ доллари миқдорда белгилансин.

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 6,0 трлн сўм миқдорда белгилансин. Бунда молия йили давомида чиқариладиган ҳамда жорий йилда сўндирилмайдиган Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозлари чекланган соф ҳажмига қириқилмайд.

**11-модда. Ўзбекистон Республикасининг
консолидациялашган бюджети
тақчиллигининг чекланган миқдорини
белгилаш**

2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдорда белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллиги чекланган миқдорининг ошиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган қўшимча харажатлар фақат қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилади.

2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг юқори чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги керак.

**3-боб. Бюджетлараро муносабатларни тартибга
солишнинг ўзига хос хусусиятлари****12-модда. 2022 йил учун Қорақалпоғистон
Республикаси бюджети, вилоятлар
ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари,
туманлар ва шаҳарлар бюджетлари
даромадларини шакллантиришнинг
ўзига хос хусусиятлари**

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмида ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинмайдиган мол-мулк солиғи; жисмоний шахслардан олинмайдиган ер солиғи; жисмоний шахслар томонидан мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича декларация асосида тўланадиган солиқлар, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно; қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қўйиладиган тўлиқ ҳажмида ўтказилади: юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ; юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғи; электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; бензинни, дизель ёқилғисини ва газни яқурий истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи; айланмадан олинмайдиган солиқ; қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари); қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундирилмайдиган жаримлар; айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундирилмайдиган бошқа йиғимлар (боғжона органлари томонидан ундирилмайдиган йиғимлардан ҳамда гилдиракли транспорт воситалари, ўзинорар машиналар ва уларнинг тиржамалари учун утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тўсини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари); қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидидаги улушига мувофиқ.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қўйиладиган улушларда:

жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан олинмайдиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 63 фоизи, Тошкент вилоятида 42 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 63 фоизи, Тошкент вилоятида 40 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгаши:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратилмайдиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга; юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғи тушумларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига йўналтиришга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажарилмайдиган олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашилари туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олишга ва (ёки) туризмга иштирокчилик қилган айрим ҳудудларда мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларга чаканлиги бўлишига ҳақли.

Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказилмайдиган даромадларнинг тақсимлашнинг назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

Давлат қорхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан орტიқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўса соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, олтин қазиб олувчи қорхоналар томонидан эса 100 фоизи миқдорда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2022 йилнинг 1 сентябрдан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат қорхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан орტიқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар, шунингдек уларнинг таркибига кирувчи қорхоналар томонидан 2022 йил учун дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш миқдори ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлашга ҳақли.

**13-модда. 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг
Давлат бюджети харажатларини амалга
оширишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари тегишли бюджетларини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатлар режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантиради.

Чораклар якуни бўйича ушбу Қонуннинг 6-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра 5 фоиздан орტიқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан қўрилган чоралар билан бирга тартибга солинувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади ҳамда мазкур таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу

Қонунда белгиланган тартибда қўриб чиқилади. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларига ҳудди шундай тартибда мурожаат этади.

2022 йилда:

Тошкент шаҳрининг умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга доир харажатлар Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг умумий ўрта таълим ташкилотлари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш, шунингдек суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), мукаммал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш-тиклашга доир харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан ва вилоятларнинг вилоят бюджетларидан;

адвокатлар томонидан кўрсатилмайдиган юридик ёрдам учун ҳақ тўлашга доир харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан;

қўп квартираларий ўй-жой фондида туташ ҳудудларни таъмирлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқларини ва қозонхона ускуналарини мукаммал таъмирлашга доир харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади.

Ҳудудлардаги барча иссиқлик таъминоти ташкилотлари томонидан кўрсатилмайдиган иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий органлари ҳулосаларига кўра, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашиларининг қарорлари билан маъқулланганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта қўриб чиқиш якунларига кўра иссиқлик таъминоти ташкилотлари аҳолига пайсатирилган тарифлар қўлланилиши натижасида қўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

Барча туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг тасдиқланган харажатларининг (бундан заҳира жамғармаси маблағлари мустасно) 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Барча туманлар ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камиди 30 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

4-боб. Якунловчи қондалар**14-модда. «2022 йил учун Ўзбекистон
Республикасининг Давлат бюджети
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунини бузганлик учун жавобгарлик**

«2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**15-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини,
етказилишини, моҳияти ва аҳамияти
тушунтирилишини таъминлаш**

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**16-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга
мувофиқлаштириш**

Вазирлар Маҳкамаси: ҳуқуқ қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Қонуннинг қучга кириши

Ушбу Қонун 2022 йил 1 январдан эътиборан қучга қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 30 декабрь
№ ЎРҚ—742

“2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1–10-иловалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасида эълон қилинади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРДАГИ МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД
НОРМАЛАР МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди.

Тегишли соҳа вакиллари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этган тадбирда қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди ва уни пишиқ-пухта ҳолатга келтириш, тақомилга етказиш бўйича қатор тақлифлар берилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳасида ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб, соҳада қўлланилиб келинаётган тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилмоқда. Мазкур ҳужжат билан ташқи меҳ-

нат миграцияси соҳасидаги қонун-оли ҳужжатлари қонун даражасида мустаҳкамланади, халқро ҳужжатлардаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларига оид нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилинади.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга, ташқи меҳнат миграцияси жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий

этишга, меҳнат мигрантларининг ҳисобини юритиш ва ушбу соҳада мониторингинг амалга оширишга хизмат қилади.

АҚШДА ИЛК БОР ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бундан ташқари, ёшлар АҚШда таълим олиш учун грантлар, виза масалалари, тадбиркорлик ва ушбу мамлакатга сەҳнат фаолияти билан шуғуланиш шартлири, мавжуд эпидемиологик вазият ҳақидаги саволларига жавоб олди. Форум доирасида "Заковат" интеллектуал ўйини ҳам ўтказилди. Унда АҚШдаги фаол ёшларимиз орасидан шаклланди турта жамоа ўз ўлимларини синовдан ўтказди. Тадбир иштирокчилари давлатимизнинг ҳориджа ашаётган ватандошларга кўрсатаётган юксак эътибори Ўзбекистоннинг ижобий имижини мустаҳкамлашга қаратилган янги ишларга туртки беришини мамнуни билан қайд этди. Форум иштирокчилари ёшларга қаратилган эътибор, шунингдек, уларнинг юртимиздаги ўзгаришларга дахлдорлик туйғулари мустаҳкамловчи тадбирлар ташкил этилаётгани учун миннатдорлик билдирди.

«Дунё» АА. Вашингтон

Мазкур ҳужжатда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 20 август куни тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ўз ифодасини топан бўлиб, бундан кўзланган мақсад — Оролбўйи ҳудудлари, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни ва юқори қўшилган қийматли рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, инвестицияни жалб қилиш учун қулай шартлояр яратиш ва ушбу механизмлар орқали келгусида тадбиркорликни янада ривожлантиришдан иборатдир.

Жумладан, Фармон билан 2022 йил 1 январдан 2031 йил 1 январгача Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги маҳаллий саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғи, айланмадан олиннадиган солиқ, ижтимоий солиқ ҳамда жимсоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи бўйича ўрнатилган ставкаларни бир фоиз этиб белгилаш, мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган суммадан бир фоиз микдорда қўлланиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, 2025 йил 1 январгача Хо-

ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИ ТАДБИРКОРЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМКОНИАТЛАР

разм вилоятининг Тупроққалъа, Янгиарик, Янгибозор туманларида ташкил этиладиган ва шу ҳудудларда рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектлари фойда солиғи, юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи, юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларини 50 фоизга камайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ўз ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) эҳтижи учун олиб қириладиган хом ашё, материалларни божхона божидан озод қилиш назарда тутилган.

Албатта, бождан озод қилиниши кўзда тутилган хом ашё ва материаллар рўйхати белгиланган тартибда шакллантирилади. Шу билан бирга, солиқ имтиёзи кластерлар учун таъбиқ этилмаслиғи ҳам кўрсатилган.

Таъкидлаш лозимки, Хоразм вилоятида янги барпо этилаётган боғлар, тоқор ва тўртзорлар эгалларга ерларга, дараклар қатор ораларидан қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, юридик шахслардан олиннадиган ер солиғини тўлаш бўйича имтиёзли давр беш йил этиб белгиланмоқда.

Бу ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириш белгилангани ҳам айтиш зарур. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси учун зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланадиган инвестиция лойиҳалари қиймати камида 50 миллиард сўм микдорда белгиланди.

Шуларга мос равишда Хоразмда ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан орта қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган 98 та маҳалла учун 2022 — 2026 йилларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида маҳаллабўйи ишлаш тизимини жорий этиш учун 200 миллиард сўм, аҳолини тадбиркорликка ўқитиш ва жалб қилиш лойиҳалари рўйи учун нодавлат нотижор ташкилотларини қўллаб-қувватлашга 50 миллиард сўм микдорда кредит ресурслари ажратилди.

Қолаверса, Фармонда мазкур вилоятга инфратузилмани ривожлантириш

учун республика бюджети ҳисобидан 150 миллиард сўм маблағ берилиши кўрсатилган.

Эътиборлиси, Фармонда экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам инобатга олинган. Жумладан, Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан 2022 йил 1 январдан 2027 йил 1 январгача Оролбўйи минтақасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларига қорхона қурилиши учун зарур асбоб-ускуна ва техникаларни юртимизнинг бошқа ҳудудларидан олиб келиш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни бошқа жойларга етказиб бериш билан боғлиқ темир йўл транспортда ташши харажати нинг 50 фоизи қоплаб берилади.

Мазкур агентлик томонидан маҳаллий экспортчилар ишлаб чиқарган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишда, уларнинг Каспий денгизига ташши билан боғлиқ транспорт харажатлари ҳам тўлиқ қоплаб берилиши тартиби жорий этилмоқда.

Айтиш керакки, мазкур Фармон ва

умуман, Оролбўйи ҳудудиде амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижроси бўйича Олий Мажлис Сенати томонидан парламент назорати ташкил қилинган. Бу белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишида муҳим ўрин тутмоқда, десак, мулобага бўлмайди. Парламент юқори палатаси қўмиталари аъзолари эса жойларга чиқиб, Фармон ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар самардорлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриб келяпти.

Мухтасар айтганда, Фармонда белгиланган вазифалар ижроси доимий эътиборимизда. Зеро, Оролбўйида тадбиркорликни изчил ривожлантириш ҳисобига мамлакатимиз иқтисодиёти янада юксалади. Шу маънода, биз, сенаторлар бундан кейин ҳам ушбу йўналишдаги ишларни изчиллик билан давом эттиравемиз.


Эркин ГАДОВЕ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ишловлар масалалари қўмитаси раиси.

ЛОЙИҲАЛАР САМАРАДОРЛИГИ

НАВҚИРОН АВЛОДНИНГ БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТИГА ҲАМ БЕВОСИТА БОҒЛИК

ОКМҚдаги лойиҳалар эса яна бир имкониятдир. Ким билади, балки ана шу ўқувчилар орасидан истеъдодли, иқтидорли, изланувчан геологлар, кончилар, техника ва технологиялар билмондорлари чиқар?!?

Тўғри-да, катта-катта заводу фабрикалар қурилсаю ишлата билмасак, ундан кимга наф?! Шу маънода, геология-қидирув ва кон-металлургия каби соҳаларга юқори малакали кадрлар тайёрловчи Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети бунда уларга кўмакчи бўлишга ишончимиз комил. Чунки олий даргоҳнинг Геология-қидирув кон металлургия факультетида 2 минг 886 нафар талаба бақалавр ҳамда 326 нафар ёшлар магистратура йўналишида таҳсил олмақда. Кечки таълим дастурлари бўйича кончилик иши ва металлургия йўналишида 104 нафар талаба ўқияпти. Бунда Металлургия кафедраси жамоаси излашчиларини қайд этиш жоиз. Негаки, кафедра ўқитувчи ва талабалари томонидан кон-металлургия саноати, хусусан, мис ишлаб чиқариш жараёнига бир қатор илмий ишлар тақдим қилинмоқда. Булар сирасига техника фанлари доктори, профессор М. Якубовнинг "Хомаки мисни ишлаб чиқаришнинг самарали технологиясини яратиш



ва рангли металлургия чиқиндиларидан кўп фазали композицион материаллар ўзаро таъсирининг физика-кимёвий асослари", кафедра ўриндош профессори, "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ илм-фан бўйича бош муҳан-

дис ўринбосари А. Ҳасановнинг "Мис ва рух саноати техноген чиқиндиларини қайта ишлаш технологияси", кафедра доценти (PhD), Ш. Мухаметжановнинг "Металларни ажратиб олиш унумини ошириш мақсадида мис саноатидаги

конвертер шлакларини қайта ишлаш самарали технологиясини яратиш" каби ишланмаларини келтириш мумкин.

Шунингдек, кафедра мустақил тадқиқотчилари — катта ўқитувчи Ш. Ҳожиёвнинг "Маҳаллий иқтисодий ҳосил бўлган техноген чиқиндилардан фойдаланиш асосида мис шлакларини қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш", катта ўқитувчи С. Носирхўжаевнинг "Емирувчи муҳит таъсирида рангли металлургия эритиш печларининг ўтга чидамли гишларни емирилишдан ҳимоя қилиш технологиясини ишлаб чиқиш" мавзуларидаги илмий ишланмалари жорий этилгани диққатга сазовор. Шу билан бирга, Металлургия кафедрасида бир неча илмий тадқиқот ишлари бажарилган бўлиб, уларнинг аксарияти мис металлургия саноатига дахлдор.

Олмалик кон металлургия комбинати — минтақада рангли металлургия ишлаб чиқариш етакчи ҳамда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда илғор қорхоналардан. Бу ерда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам шунга мос — йирик ва истиқболли. Уларнинг самарали бўлишини таъминлаш эса бугунги ўсиб келаётган авлод, ёш мутахассислар билим ва салоҳиятига боғлиқ.

Суннатилла ГОЙИБНАЗАРОВ, Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Геология-қидирув кон-металлургия факультети декани, техника фанлари бўйича фансафа доктори (PhD), доцент.

Фикр

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг жуда кўп мамлакатлар билан кенг қўламли иқтисодий ҳамкорликлар йўлга қўйилди ва бунинг самараси ўлароқ юртимизда йўл-транспорт, логистика, божхона, экспорт-импорт масалаларини ҳал этишда муҳим қадамлар ташланди.

Ўзбекистон ва МДҲ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Айниқса, кейинги пайтда қўшни мамлакатлар ва МДҲ доирасида кенг қўламли ҳамкорликлар ривож топиб бораётгани ҳар бир давлат учун манфаатли бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 28 декабрь куни Россия Президенти Владимир Путин ташаббуси билан Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашувидаги иштироки ҳам албатта, Ўзбекистон равнақи ва тараққиёти учун янги босқичларни очши муқаррар.

Учрашувда жорий йилги ҳамкорлик яқунлари сарҳисоб қилиниб, келгуси 2022 йилга мўлжалланган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Энг муҳими, пандемия оқибатларини енгиб ўтиш ва эпидемиологик хавфсизлиқни таъминлашда яқин ҳамкорликни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

МДҲни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари асосий эътиборни учта: сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликка қаратишни таъкидлади. МДҲ макониде тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш ва транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш муҳим экани таъкидланди.

Саммит иштирокчиларининг эътибори глобал иқлим кун тартибининг ҳисобга олинган ҳолда барқарор "яшил" тараққиётга бош-

ЭЪЛОН

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Жиноят ҳуқуқи ҳамда Иқтисодий ҳуқуқ кафедралари ўқитувчиси лавозимлариға малакали мутахассисларни ишга тақлиф қилади.

Номзодлар танлов асосида қабул қилинади. Танловда олий юридик маълумотли (магистр даражасига эга бўлган), қоида тариқасида камида 3 йил судья (прокурор, адвокат) бўлиб ишлаган юқори малакага эга шахслар қатнашини мумкин.

Танлов икки босқичли синовдан иборат. Синовнинг биринчи босқичида талабгорлар тест имтиҳонларидан ўтказилади.

Тест синовларида энг юқори баллнинг камида учдан бирини олганлар иккинчи босқич — синов лекциялари (очик машғулотлар) ўтказишда қатнашдилар.

Тест синовлари ва синов лекциялари (очик машғулотлар) тегишлича 4/6 (40 балл/60 балл) нисбатиде баҳоланади.

Эслатма: синов лекциялари ва очик машғулотлар мавзулари кафедра предметлари бўйича ўқув дастурлари талаблариға мувофиқ бўлиши керак.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган номзодлар Судьялар олий мактабининг sudyaloroliymaktabi@mail.ru электрон почтасига ёҳуд Судьялар олий мактабига (100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй) қуйидаги ҳужжатларни юборишлари сўралади:

ариза (яшаш манзили ва телефон рақамини кўрсатган ҳолда); маълумотнома (объективка); диплом нусхаси; паспорт нусхаси; меҳнат дафтарчасининг нусхаси; бошқа ҳужжатлар (сертификат, тавсифнома ва ҳоказолар).

Аризалар 2022 йил 8 январь, соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 55-501-01-93.

ҚИЙНОҚҚА СОЛИШДАН ЖАБРАНЛАНЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 28 декабрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексиға қийноққа солишдан жабранланларға етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришға қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Қизгин муҳокамадан сўнг депутатлар томонидан берилган тақлифлар инобатга олинган ҳолда, қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Жараён

Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 декабрда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатнома-сида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган. Мурожаатномада аввало тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурлиги таъкидланган.

Айни соҳада, бир томондан, фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётган, иккинчи томондан, мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни бартараф этиш бўйича Олий Мажлис палаталари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига қийноқларнинг олдини олиш юзасидан тегишли вазифалар юкланганди.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июнда қабул қилинган "Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қарорда қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланди. Шунингдек, Омбудсман ҳузурида Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилди ҳамда уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Шу асосда тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишға қарши қу-

рашиш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Ўтган даврда соҳанинг 1 минг 200 дан ортик ходимлари ўқитилди.

Мазкур қарорда қийноққа солишдан жабранланларға ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилишини ҳамда уларға етказилган зарарнинг компенсация қилинишини таъминлаш қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Шунингдек, бундай жиноятдан жабранланган шахсларға етказилган зарарни компенсация қилиш тартибини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Шу мақсадда "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексиға қийноққа солишдан жабранланларға етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришға қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонунни қабул қилиш зарурати қуйидагилар билан изоҳланади:

Биринчидан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ва Қийноққа қарши қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг даврий ҳисоботларини кўриб чиқиш яқунлари бўйича берган яқуний мулоҳазаларда қийноққа солинган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларға ижтимоий, тиббий, психологик ёрдам кўрсатиш ҳамда уларға етказилган зарарни компенсация қилиш бўйича бир қатор тавсиялар назарда тутилган. Қонуннинг қабул қилиниши ушбу тавсиялар ижросини таъминлайди.

Маълумки, Ўзбекистоннинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бажарилиши бўйича тақдим этган бешинчи даврий ҳисоботи (CCPR/C/УЗБ/5)

юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тақдим этган яқуний мулоҳазаларининг 25-а-тавсиясида қийноққа солиш жиноятини содир этган шахсларни жазаго тортиш ва жабранланувчиларға етказилган зарарни қоплаш зарурлиги белгиланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Қийноқларға қарши конвенция бажарилиши бўйича тақдим этган бешинчи даврий ҳисоботи (CAT/C/УЗБ/5) бўйича БМТнинг Қийноққа қарши қўмитаси берган яқуний мулоҳазаларининг 13-с-тавсиясида қийноққа солишдан жабранланган шахсларға етказилган зарарни жабранланувчиларға (ёки уларнинг яқин қариндошларига) тўлиқ компенсация қилиш тавсия этилган. Шунингдек, қўмита ўзининг 18-б-тавсиясида қийноққа солиш оқибатида олинган далиллар сабабидан жиноятчи жабранликка қўрилган шахсларни реабилитация қилиш ва уларға етказилган зарарни қоплаш тавсия қилган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги маърузасида миллий превентив механизмини такомиллаштириш ҳамда БМТнинг Қийноқларға қарши конвенциясини Факультатив протоколнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилиниши маълум қилинди. Жорий йил декабрь ойида БМТнинг Терроризмға қарши курашиш шариоатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масаласи бўйича махсус маърузачиси Ф. Аолайнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида ҳам ушбу масалаға эътибор қаратилди.

Ташқи ишлар вазирлиги маълумотиға кўра, БМТнинг Қийноқлар бўйича берган яқуний мулоҳазаларда қийноққа солинган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларға ижтимоий, тиббий, психологик ёрдам кўрсатиш ҳамда уларға етказилган зарарни компенсация қилиш бўйича бир қатор тавсиялар назарда тутилган. Қонуннинг қабул қилиниши ушбу тавсиялар ижросини таъминлайди.

Учинчидан, қийноқ билан боғлиқ ҳолатлар мамлакатнинг халқаро рейтингини ҳамда индекслардаги ўрниға салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон БМТ Тараққиёт дастурининг Инсон камолати индексида 106-ўринни, Жаҳон

банкнинг бошқарув сифати индикаторларининг сиёсий барқарорлик ва зўравонлик йўқлиғи субиндикатори бўйича 136-ўринни, "Жаҳон одил судлов лойиҳаси" халқаро ноҳуқумат ташкилотининг Ҳуқуқ устуворлиги индексининг асосий (фундаментал) ҳуқуқларнинг таъминланганлиги индикатори бўйича эса 110-ўринни эгаллаб турибди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, 2021 йил 10 апрель куни Ўзбекистон учун Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими (GSP+) кучга кирди. Ушбу тизимға қўшилиётганда мамлакатлар инсон ва меҳнат ҳуқуқларига, атроф-муҳит, иқлим муҳофазаси ва сифатли бошқарувага оид 30 дан ортик асосий халқаро Конвенцияни самарали амалга ошириш мажбуриятини зиммасига олади. Бу ҳужжатларнинг 7 таси бевосита инсон ҳуқуқларига бағишланган халқаро шартномалардир.

Тўртинчидан, қийноқ ҳолатларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳозирги ҳолати бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермайди. Буни қийноқ билан боғлиқ ҳолатларнинг кўпайиши ҳам кўрсатиб турибди.

Маълумотларға қараганда, 2017 йилда — 7 та, 2018 йилда — 10 та, 2019 йилда — 16 та, 2020 йилда — 15 та, 2021 йил январь — октябрь ойлариде — 11 та қийноққа солиш жиноятчи қайд қилинган.

Бешинчидан, қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро шартномалардаги мажбуриятларини миллий қонунчиликка имплементация қилишға хизмат қилади.

Зеро, 1966 йилги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат Пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бўзилган ҳар қандай шахсни, агар бу бузилиш расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаси билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши белгиланган.

Бундан ташқари, Қийноқларға ҳамда муомала ва жазоланишнинг бошқа шартлари, гайринишоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларға қарши конвенциянинг 14-моддасида "Ҳар бир иштирокчи давлат

Мирзатилла ТИЛЛАБОВЕ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори.

МЕҲР-МУРУВВАТ ЧЕКСИЗ, ЧЕГАРАСИЗДИР

Такдирнинг аччиқ синовларидан ғамгин торган ота-оналарнинг кўзларида секин ёшларини ҳалқалади.

Самимий суҳбат давомида бемор болалар, уларнинг ота-оналари, яқинлари шифохонада яратилган қулайликлар, кўрсатилаётган меҳр-эътибор ҳақида тўқинлиб сўзлашди.

— Янги йил бизга унутилмас қувонч бахш этди, — дейди бухоролик Нигора Эргашева. — Совға олган қизимнинг хурсандлигини кўриб, тўғриси, кўз ёшимни тийиб туролмадим. Бу бир оз ноодатий туюлиши мумкин. Лекин тўрт йилдан буён оғир дард билан курашиб, ҳар лаҳзадан, ҳар бир суҳбатдан мўъжиза кутиб яшаётган

500 га яқин бирламчи беморлар (катталар ва болалар)ни ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу касаллик билан оғриган беморларнинг тезроқ соғайишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз шу йил 14 май куни Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига ташриф буюрганидан сўнг муассаса фаолиятида катта ўзгаришлар юз берди. Қисқа фурсат ичида — 27 май куни давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш

талар бўлимлари алоҳида биноларга жойлаштирилди. Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилиб, 2022 йилнинг 1 январидан мустақил шифохона сифатида фаолият юритади.

Марказда касалликларнинг олдини олиш ва эрта аниқлаш тизимини янада ривожлантириш, шунингдек, илгор ташхис усулларини жорий этиш, онкогематологик ва даволаш қийин бўлган қон тизими касалликларига чалинган беморлар, айниқса, болаларни даволашда қулай шарт-шароитлар яратилди.

Янги бино корпусларида катталар ва болалар гематология бўлимлари учун мультидисциплинар хизмат кўрсатиш мақсадида таркибида барча тор мутахассислардан иборат маслаҳат поликлиникаси фаолият юритмоқда.

Стационар шароитда даволанувчи беморлар учун қабул бўлими, тегишли клиника бўлимлари ташкил этилди. Клиниканинг ўрин жойи 300 тага чиқарилди. Катталар ҳамда болалар бўлимларида палаталар бир ва икки кишилик, шунингдек, санитария хонаси билан бўлиб, бу беморни ҳар хил инфекциялардан асрашга имкон яратади. Бўлимларда муолажалар, қон куйиш, кимевий дори воситаларини тайёрлаш, стернал ва эндолюмбал пункция амалиёти ўтказиш, юқори технологияли илмий лабораториялар ҳамда бошқа алоҳида хоналар мавжуд.

Ҳар бир бинода таркибида жарроҳлик бўлими, бокс хоналардан ташкил топган реанимация бўлими ташкил этилди. Бу бўлимлар палаталарининг ҳавоси махсус мосламалар — кондиционер вентиляцияси ёрдамида стерил ҳолатни сақловчи микроклиматни яратади.

— Қарийб уч йилдан буён ушбу дард билан олишамиз, — дейди андижонлик Мадина Юсупова. — Фарзандимиз Муҳаммадзизни биринчи бор шифо масканига олиб келганимизда бизни эски бинода қабул қилишган эди. Шароитлар йўқлигидан жуда қийналардик. Устига-ус-



Спирожидин, ВОҲИДОВ, олгон, суратлов.



фарзандимнинг кўзидаги чакинни, ҳаётга муҳаббатни кўриш — мен учун бахт.

Онкогематологик касалликлар — бу суяк кўмиги ҳужайраларида мутациялар туфайли юзага келадиган ва бутун гематопозит тизимнинг ишини бузадиган хавфли ўсмалар гуруҳидир.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда йилга юз минг аҳолига 8-10 та янги аниқланган қон тизими касалликлари кузатилади, бу 2 минг

тўғрисида”ги қарори соҳада тубдан янгиланиш ва конструктив ўзгаришларни бошлаб юборди.

Ана шу қарор асосида аҳолига ихтисослаштирилган гематологик ва онкогематологик хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасасининг иккита биносига кўчирилди. Болалар ва кат-

так, шифохонада дори-дармон етишмаганидан уларни катта маблагъ эвазига сотиб олиб келишга мажбур бўлардик. Давлатимиз раҳбари бу ерга ташриф буюргач, шифохона ҳаётида бутунлай янги давр бошланди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламыз. Марказга янги бино қуриб берилди. Беморлар дориларини излаб, сарсон-саргардон юрмайдиган бўлишди. Шифохонанинг ўзи таъминланаяпти. Яна текинга! Биз бундай ўзгаришларни ҳеч кутмагандик. Бундай ғамхўрликлар бемор болажонларнинг ҳам, биз, ота-оналарнинг ҳам руҳини кўтармоқда. Шукрки, аҳволимиз кундан-кунга яхшиланаяпти.

Марказ ходимлари салоҳиятини юқори малакали кадрлар даражасига кўтариш мақсадида улар етакчи хорижий тиббий таълим муассасалари ва клиникаларида, жумладан, давлат маблагаи ҳисобидан, жарроҳлик, трансплантология, анестезиология ва реанимация, трансфузиология бўйича қайта тайёрланмоқда ҳамда малакаси оширилаётган.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 40 турдаги махсус дори воситалари ва реагентлар харид қилиниб, клиника экзтиже деярли қопланмоқда.

— Марказда юқори дозали ва интенсив полихимиотерапия даво усул-

лари жорий этилиши ва беморлар учун барча зарур шароитларнинг яратилиши, махсус дори воситалари билан таъминланишининг яхшиланиши, таргет терапияларининг қўлланилиши онкогематологик беморларнинг 70 — 85 фоизгача ҳолларда ремиссияга чиқишига ҳамда тўлиқ тузалишига, улар орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатининг камайишига олиб келмоқда, — дейди Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази бўлим мудури, тиббиёт фанлари номзоди Наргиза Бобоқонова. — Бу, ўз навбатида, аҳоли саломатлиги, ҳаёти сифати ва давоимийлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Бемор болалар узлуксиз тиббий муолажалар олиши ва протокол бўйича тўлиқ даволаниши ҳамда мактаб дастурларини самарали ўзлаштиришлари учун мактаб, шунингдек, жажжи кичкинтойларга боғча ташкил этилиши режалаштирилган.

— Президент бобомизнинг бизга бераётган ёрдамларидан жуда хурсандман, — дейди 12 ёшли Одинахон Абдулхамидова. — Юртбошимиз билан учрашганимдан кейин қалбимда бир олам орзулар уйғонди. Албатта, соғайиб кетишга ўзимга ўзим сўз бердим. Бунини шеъримда ҳам ифодалаганман. Уни ёд

олиб, онамга айтиб берганимда роса йиғлади. Президентимизнинг умри узоқ бўлишини тилаб, дуолар қилди. Янги йил совғалари учун ҳам мамнунман. Совғалар таркибидаги замонавий планшет, айниқса, менга ёқди. У орқали энди мактабимизнинг онлайн дарсларида қатнашиш муаммо бўлмайди. Катта бўлсам, ўқитувчи бўлмоқчиман. Билимли, одоб-ахлоқли, бошқаларга яхшилик қиладиган инсонларни тарбияламоқчиман.

Дарҳақиқат, меҳр меҳрга доялик қилди, одамдаги ёмон қусурлару ёлғончи майларни ўлдирди. Бугун навқирон авлодга кўрсатилаётган меҳр-мурувват, оқибат, саховат, ҳиммат эртага халқимизга бир неча маротаба кўпроқ яхшиликлар бўлиб қайтади. Зотан, шoir айтганидек, муҳаббатдин муҳаббат бўлур пайдо...

Президентимиз раҳнамолигида янгиланаётган Ўзбекистонда жамият пойдевори инсонпарварлик, меҳр-мурувват, эзгуликдан тикланаётгани эса эртанги кунга умид ва ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳидов иштирок этди.

Дилшоҳ КАРИМОВ («Халқ сўзи»).

“O‘zbekiston xalqiga” aksiyadorlik jamiyati jamoasi xalqimizni kirib kelayotgan Yangi — 2022-yil bilan muborakbod etadi!

Yangi yil O‘zbekiston xalqiga baxt-saodat, sihat-salomatlik, tinchlik-xotirjamlik va farovonlik olib kelsin!

TURON BANK

“Туронбанк” АТБ жамоаси жонажон халқимизни кириб келаётган **ЯНГИ — 2022 ЙИЛ** билан самимий муборакбод этади!

Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди. Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли кунларимиз бардавом бўлсин! Байрам муносабати билан сизга қулай шартлар асосидаги ипотека кредитларини таклиф этамиз.

Муддати 20 йил

1220 99895 144-60-00

www.turonbank.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-й.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.30 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6